



Сингапур рейтинг агентлиги Mastercard-Crescent исломий (халол) тамойилларга жавоб берадиган энг яхши туристик йўналишларни аниклаб, Глобал мусулмон саёхатлар индекси (GMTI) сўнгги маъruzасини ишлаб чиқди.

Жакартада эълон килинган хисоботда биринчи ўринга бирданига икки мамлакат – Индонезия ва Малайзия жойлаштирилди. Шуниси кизикки, ўтган йили Индонезия иккинчи ўринда, Малайзиядан кейин жой олганди, бирок бу йили ушбу мамлакатларнинг иккаласи хам 78 очкодан олди ва Crescent Rating бош директори Фазал Бахардин айтганидек, Индонезия ўзининг халол туризм секторини «энг фаол» ривожлантиришга интилмоқда.

Бу икки мамлакатдан кейинги ўринни эгаллаган Туркия 2018 йил 69,1 очкодан бу йил 75 очкогача ўсишни кайд этди.

Ислом хамкорлик ташкилоти (ИХТ) аъзолари орасида «кирувчи» халол туризм манзиллари сифатида Туркия Саудия Арабистонидан кейин иккинчи ўринни эгаллади. «Чикувчи мусулмон сафарларининг 22%и биринчи ўнта йўналишга [ИХТ мамлакатлари] тўгри келади. Жами мусулмонлар чикувчи бозорининг 36%и ушбу ўн йўналишга тўгри келади», - деди Бахардин ва кўплаб мамлакатлар глобал туристик йўналишлар сифатида ўз позицияларини мустахкамлаш учун GMTI стандартларини кабул килган.

Тўртинчи ўринни Саудия Арабистони, бешинчи ўринни эса БАА эгаллади.

GMTI хисоботи бутун дунё бўйича мусулмон туристлар учун 130 та манзилни баҳолаган. Рейтинг аниклашда у тўртта асосий омил – очиклик, алока, атроф-мухит ва сервисдан келиб чишиб баҳолаган.

Mastercard-CrescentRating баҳоларига кўра, ўтган йили бутун дунё бўйлаб 140 миллиондан ортик мусулмон сайёхлари сафар уюштирган. Башоратларга кўра, 2026 йилга келиб уларнинг сони 230 миллион кишигача етади, бунда жаҳон туризм индустрияси сихасига 300 миллиард долларга яқин маблаг сарфланади.